

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОТАҚУЛОВ ПОЗИЛЖОН СОБИРОВИЧ

**ГЕОГРАФИК НОМЛАР ШАКЛЛАНИШИДА МИНТАҚАВИЙ
ТАБИЙ – ИЖТИМОЙ ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА
АҲАМИЯТИ (Фарғона водийси мисолида)**

11.00.01–Табиий география

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**География фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Отақулов Позилжон Собирович

Географик номлар шаклланишида минтақавий табиий-ижтимоий
хусусиятларнинг ўрни ва аҳамияти (Фарғона водийси
мисолида).....3

Отақулов Позилжон Собирович

Место и значение региональных природно-социальных особенностей
формирования географических названий (на примере Ферганской долины).21

Otakulov Poziljon Sobirovich

The place and significance of the regional natural and social peculiarities in the
formation of geographical names (on the example of the Fergana Valley).....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....40

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОТАҚУЛОВ ПОЗИЛЖОН СОБИРОВИЧ

**ГЕОГРАФИК НОМЛАР ШАКЛЛАНИШИДА МИНТАҚАВИЙ
ТАБИЙ - ИЖТИМОЙ ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА
АҲАМИЯТИ (Фарғона водийси мисолида)**

11.00.01 - Табiiй география

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Gr17 - рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (samdu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Аҳмадалиев Юсупжон Исмоилович география фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Абдулқосимов Али география фанлари доктори, профессор Хақимов Қўчқор Маҳкамович география фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15 уй. Самарқанд давлат университети, Бош бино 105 хона. Тел.: (+99866) 239-16-36, факс: (+99866) 239-19-38, E-mail : ik-geografiya2018@mail.ru.

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Университет хиёбони, 15 уй. Тел: (+99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2021 йил “_____” _____куни тарқатилди.
(2021 йил “_____” _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

С.Б.Аббосов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор
Б.А.Мелиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, г.ф.ф.д. (PhD)
В.А.Рафиков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси ўринбосари, г.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда географик номлар таҳлилидан олинадиган ижтимоий-экологик маълумотларга эътибор экологик вазиятни кескинлашуви сабабли кучаймоқда. БМТда географик номлар бўйича фаолият юритувчи Экспертлар гуруҳи (UNGEGN) географик номларда маданият, мерос, ландшафт элементлари акс этишини ҳисобга олиб, улардан тўғри фойдаланиш маҳаллий, миллий ва халқаро ташкилотларга “экология, барқарор ривожланиш ва табиатни муҳофаза қилиш; табиий офатларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишидаги фаолиятларида фойда келтириши мумкинлиги”¹ ни таъкидлайди. Мазкур ҳолат турли мамлакатларда номлар яратилишига асос бўлган дастлабки ландшафтларни тиклаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг тарқалиш ареаллари, табиатда юз бериши мумкин бўлган салбий ўзгаришлар ҳақида маълумотлар олиш ҳамда улардан фойдаланишни оптималлаштиришда ўз аксини топади.

Жаҳон миқёсида табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш йўналишида асрлар давомида йиғилган, маданий мерос даражасидаги маълумотларини авлоддан-авлодга етказиб бериш воситаси сифатида географик номларнинг ижтимоий-экологик жиҳатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, жаҳон халқлари ўлкаларининг табиий-ижтимоий шароити, ўсимлик ва ҳайвонот олами, табиий ресурслари ҳамда аҳолининг миллий-этник таркиби, касб-кори, ижтимоий қатламлари, ишлаб чиқариши ҳақида маълумот берувчи географик номлар ва терминларнинг табиий-ижтимоий хусусиятларидан амалий мақсадларда фойдаланиш йўналишларини ишлаб чиқишга устувор аҳамият берилмоқда.

Республикамизда географик номларни, уларнинг шаклланишига асос бўлган минтақавий табиий-ижтимоий хусусиятларни, номларнинг манзилени кўрсатиб беришдан бошқа маънавий-маърифий, экологик функцияларини илмий асосда ўрганиш ва улардан фойдаланиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш”² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада халқимиз тарихининг турли босқичларида, табиий ва ижтимоий омиллар таъсирида шаклланиб, маданий мерос ва маънавий бойлик даражасига кўтарилган географик номлар ва маҳаллий терминларнинг таҳлилига қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ United Nations Group of Experts on Geographical Names, UNGEGN (<http://unstats.un.org/unsd/geoinfo/>)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. [http://lex.uz/pages/getpege....](http://lex.uz/pages/getpege...)

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”, 2020 йил 29 январдаги 40-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” йўналишининг D. “Аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмаларини шакллантиришни илмий жиҳатдан ўрганиш ва янги билимларни эгаллаш” банди ҳамда VIII. “Ер ҳақидаги фанлар” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Географик номларнинг илмий жиҳатларини тадқиқ этиш муаммоларини ўрганишнинг назарий-услубий асослари хорижий олимлардан A.Dauzat, M.Vasmer, A.Room, G.B.Adams, K.Cameron, M.Gelling МДХ давлатлари олимларидан В.А.Никонов, А.В.Суперанская, А.И.Попов, Ю.А.Карпенко, Э.М.Мурзаев, Е.М.Поспелов, В.А.Жучкевич, С.Н.Баск, Е.Л.Любимова, Х.Л.Ханмагомедов, А.А.Сейбутис, Р.М.Юзбашев, Э.Б.Нуриев ва бошқаларнинг ишларида келтирилган.

Ўзбекистонда топонимиканинг турли йўналишлари ривожланишига А.Р.Муҳаммаджонов, Ҳ.Х.Хасанов, С.Қ.Қораев, С.С.Губаева, Н.Охунов, Т.Нафасов, З.Дўсимов, Н.М.Улуқов, П.Н.Ғуломов, Ж.Латипов, Т.Эназаров, С.Наимов, Н.Мингбоев, М.Т.Миракмалов, Қ.М.Ҳакимов, Ю.И.Аҳмадалиев каби олимлар катта ҳисса қўшдилар.

Фарғона водийсининг географик номлари илмий жиҳатдан ўрганилиб, уларнинг номланиш хусусиятларини чуқур илмий таҳлил қилиш асосида топонимика фанининг назарий масалаларини ечими бўйича ҳам хулосалар чиқарилган. Бироқ, географик номларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган хусусиятлари ўрганилмади, йиғилган маълумотлар банки ижтимоий-экологик ракурсда тадқиқ этилмади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ИТД-7-29 “Фарғона водийси табиий ресурслари, улардан оқилона фойдаланиш ва юзага келаётган экологик муаммоларни

бартараф этиш йўллари” мавзусидаги амалий илмий лойиҳаси доирасида бажарилган (2015-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона водийсидаги географик номлар шаклланишининг табиий-ижтимоий хусусиятларини аниқлаш асосида табиатдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳамда мазкур жараёнда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

географик номларнинг тадқиқ этишга табиий - ижтимоий ёндошувнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш, тадқиқот йўналишига мос услуб ва усулларни танлаш ҳамда такомиллаштириш;

географик номларнинг табиий - ижтимоий хусусиятлари бўйича таснифлаш, тадқиқотнинг асосий йўналишларини белгилаш;

табиий-географик асосга эга бўлган номларнинг (ороним, гидроним, фито ва зоотопоним...) ижтимоий-экологик функцияларини таҳлил қилиш, экологик топонимлар тушунчасининг географик мазмун ва моҳиятини очиб бериш;

Фарғона водийсидаги иқтисодий - ижтимоий асосга эга бўлган географик номлар ва терминларнинг (антропо ва этнотопонимлар, касб-хунарга оид, ғоявий...) географик объектларга эғалик қилиш, уларни асраш ва сақлашдаги функцияларини очиб бериш;

географик номларнинг амалий ва таълимий имкониятларидан кенг фойдаланишни таъминловчи автоматлаштирилган топонимик ахборот тизимлари (ТАТ) базасини яратиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийсида шаклланган географик номлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети географик номлар шаклланишидаги табиий-ижтимоий омилларнинг ўрнини аниқлаш, улардан фойдаланиш йўналишлари ва усулларини асослаш масалаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида геоэкологик, тарихий қиёслаш, этимологик таҳлил, картографик, статистик ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Фарғона водийсидаги ўзига хос табиий-ижтимоий хусусиятлар таъсирида шаклланган географик номларнинг табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, салбий табиий жараёнларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишдаги аҳамияти назарий жиҳатдан асосланган;

топоним, географик ном, геоконцепт, экологик топоним тушунчаларининг ижтимоий-экологик ёндашув асосидаги мазмун моҳияти очиб берилган, шунга мос равишда геотопонимик тадқиқотларнинг ижтимоий-географик ва экологик-географик йўналишлари аниқланган;

табиий-ижтимоий асосга эга бўлган географик ва маҳаллий терминларнинг амалиётда ва экологик таълим-тарбияни амалга оширишдаги функцияси ишлаб чиқилган;

Фарғона водийсининг географик номларидан фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида электрон шаклдаги топонимик ахборот тизимлари (ТАТ) базаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийсидаги географик номлар таҳлилидан фойдаланиб, табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг янги йўналишлари ишлаб чиқилган;

географик номларнинг этимологик таҳлили асосида Фарғона водийси ландшафтлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳамда сув объектларининг дастлабки ҳолати ва ўзгаришини акс эттирувчи ареалли карталар яратилган;

географик термин ва иборалар ижтимоий-экологик йўналишда бажарадиган вазифалари бўйича тўртта гуруҳга ажратилиб, улардан фойдаланиш йўналишларини кўрсатувчи таснифий жадвал тузилган;

Фарғона водийсининг 4321 номдан иборат минтақавий топонимик ахборот тизимларининг (ТАТ) Microsoft Access дастури асосида кўпфункционали қидирув-маълумот банки яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Атамалар қўмитаси маълумотларидан ҳамда водий вилоятлари ҳудудида олиб борилган дала тадқиқотлари асосида бажарилганлиги, илмий тадқиқотларнинг замонавий усуллари, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар илмий-асосланган манбаалардан олингани, архив ва фонд материалларидан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти географик номлар ва маҳаллий терминларнинг этимологиясига яширинган хусусиятларидан минтақада табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг назарий масалалари ечимида фойдаланиш имконияти мавжудлигини асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган асосий хулоса ва тавсиялардан Фарғона водийсида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг стратегик дастурларини такомиллаштириш, шунингдек, географик номларнинг ижтимоий-экологик жиҳатидан таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари ва услубларини белгилаш, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийсида шаклланган географик номларнинг табиий-ижтимоий хусусиятларини илмий таҳлил қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

минтақадаги табиий ва ижтимоий географик хусусиятларнинг номларда акс этишини таҳлили асосида олинган натижалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаментида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020

йил 29 январдаги 40-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чоратadbирлари тўғрисида” қарорида белгиланган вазифалар доирасида географик номларнинг янги функционал жиҳатларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаментининг 2020 йил 1 декабрдаги 30/1-3425-10-сон маълумотномаси). Натижада, географик номларнинг минтақада табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, салбий табиий жараёнларни олдини олиш ва бартараф этишдаги ўрни ҳамда аҳамиятини назарий жиҳатдан асослаш имконини берган;

топонимик тушунчалар ва геотопонимик тадқиқотларнинг янги йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаментининг 2020 йил 1 декабрдаги 30/1-3425-10-сон маълумотномаси). Натижада, географик ном, топоним, геоконцепт, экологик топоним тушунчаларининг ижтимоий-экологик ёндашувдаги изоҳларини, геотопонимик тадқиқотларни ижтимоий-экологик йўналишларини ажратишга имкон берган;

географик ва маҳаллий терминларнинг экологик ва тарбиявий функцияларини асослаб берган илмий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан Фарғона водийси вилоятларидаги географик ва маҳаллий терминларнинг ҳудудий тарқалиши ҳамда этимологиясини очиб беришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаментининг 2020 йил 1 декабрдаги 30/1-3425-10-сон маълумотномаси). Натижада, географик ва маҳаллий терминларни ҳудудий тарқалиш ареалларини аниқлаш, мавжуд терминлар реестрини бойитиш ҳамда уларнинг амалий, экологик тарбиядаги функцияларни мувофиқлаштиришни таъминлаш имконини берган;

географик номлардан фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида уларнинг географик таснифларини электрон тизимдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаментида Фарғона водийси вилоятларида географик ва топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилишда ва мувофиқлаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаментининг 2020 йил 1 декабрдаги 30/1-3425-10-сон маълумотномаси). Натижада, Фарғона водийси вилоятларида географик номларнинг таснифий базаси яратилган, ном бериш ва қайта номлаш ишларини мувофиқлаштириш, такрорий номлар пайдо бўлиши олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий нуфузли журналларда, топонимик комиссияларда фойдаланиш учун “Фарғона водийси: шаҳар, қишлоқ ва маҳалла номлари” (Жой номларининг изоҳли луғати.– Тошкент, “Наврўз”, 2017. –Б. 218.) номли топонимик луғат нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг матн қисми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси акс эттирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Географик номларнинг табиий-ижтимоий хусусиятларини тадқиқ этишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда география фани ривожининг бугунги даврдаги ўзига хос хусусиятларидан бири унинг предмет майдонининг кенгайиб, фанлараро тадқиқотларни тобора кўпроқ назарий ва амалий муаммолар ечимидаги аҳамияти ортиб бораётганлигига эътибор берилди. Шундай йўналишлардан бири сифатида топонимика ва топонимик тадқиқотларнинг тарих, география, экология ва тилшуносликдаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги мунозараларга тўхтаб ўтилди. Шу билан бирга топонимиканинг мазкур чегаравий ўрнига унинг тез ривожланишига сабаб бўлаётган омиллардан бири сифатида қаралади.

Юқоридаги фанларда мавжуд ёндашув, усул ва услублардан фойдаланиш, табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни кенгайтириш, инқилобий тезлашган ахборот алмашинуви жараёнида ГАТ технологияларини қўллаш имконияти топонимиканинг экологик -географик йўналишларини янада ривожланишига тўртки бўлди. Топонимик тадқиқотларнинг ретроспектив таҳлили уларни 4 та ёндашув асосидаги 8 та

йўналишга ажратиш имкониятини берди. Ушбу ишда асосий эътибор ижтимоий ва экологик ёндашув асосидаги тадқиқотларга қаратилди.

Ижтимоий-географик ёндошув асосида ўтказилаётган тадқиқотларда географик номларнинг маданий-маънавий жиҳатларига аҳамият берилмоқда. Маданий географияда **топоним** – геомаданий тизимни мажбурий элементи бўлиб, географик объектни ўз-ўзини аниқлаш усули, унинг яққалиги ва ноёблигини таъкидлаш воситасидир. Топонимлар филологлар, этнографлар, фольклор мутахасислари томонидан ўрганилади ва йиғилади. Топонимларнинг географик номларга айланиши учун, биринчидан у маълум шаклга эга бўлган географик объектга берилиши ёки “кийдирилиши” керак. Масалан, Чирчиқ-топоним, Чирчиқ дарёси ёки Чирчиқ шаҳри эса турли худудий шаклга (дарё ва шаҳар) эга бўлган топонимдир. Географик терминларга (бу ерда шаҳар ва дарё) топоним ўтказилса у лингвистикада топоформатлар деб аталади. Бироқ улар худудий мазмун касб этмайди, фақатгина минтақавий - диалектик фарқларни аниқлашга кўмаклашади. Иккинчидан, топоним географик жиҳатидан расмийлаштирилгандан сўнг яъни географик терминга эга бўлгандан сўнг, уни йирик ва майда масштабда кўрсаткичларга туширилади ва **географик номларга** айланади.

Муайян маданий ландшафт доирасидаги жойга фойдаланишнинг бошланиши билан, унинг худудий, ташқи кўринишдаги, маъносидаги ўзига хос хусусиятларни акс эттирувчи ном (топоним) берилганда **топос** юзага келади. Топоснинг оддий формуласи топос=жой+топоним [Калуцков, 2009; 98 б.]. Бундай ёндашувда жой топоснинг моддий асосини, базисини ташкил қилса, топоним унинг ғоявий асосини устқурмасини ташкил этади. Бу икки жиҳатнинг ўзаро бирикуви мукамал, ягона ўзига хос яратмани юзага келтиради. Экологик жиҳатдан уларни бирга тизимли ўрганишгина кутилган натижани беради.

Юқоридаги жиҳатлардан келиб чиқиб географик номларни ижтимоий-экологик хусусиятларини тадқиқ этиш тўртта фан доирасида, уларда яратилган илмий йўналишлардаги усулларни умумлаштириб кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ (1-расм). Ўз навбатида ҳар бир фан учун хос бўлган махсус усуллар топонимик тадқиқотлар самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Маданий географияда топоним кўпроқ геоконцептнинг таркибий қисми сифатида кўрилади. Геоконцепт деганда - маълум кишилиқ жамоаси учун аҳамиятга, қадр-қимматга эга бўлган, ўзининг барқарор, ўзгармас қиёфасига (тимсолга) эга бўлган жой тушунилади. Геоконцептни топоним+қиёфа+жой (худуд) формуласида тасаввур қилиш мумкин. Геоконцептни худуд–топоним кўринишида тасаввур қилиш ҳамда картада аниқ географик чегараларга эга бўлган географик номлардан фарқли томони унинг жой+топоним кўринишида бўлиб, чегараларининг аниқ эмаслиги, бироқ доимо тиниқ ифодаланган мазмуний ядрога эга бўлганлигидир. Ўзбек тилида Хоразм ёки Фарғона оддий топоним ёки географик ном эмас балки ўзининг маданий, тарихий ва географик қиёфасига эга бўлган геоконцептдир.

Мазкур тадқиқотда геоконцепт ғоясига фақатгина маданий жиҳатидан эмас, балки экологик нуқтаи-назардан ёндашиш натижасида унинг кишилик жамоасидаги экологик функцияси очиб берилди. Географик номларга улуғловчи, илоҳийлаштирувчи, сирли, ғайритабиий, кишилар орзусидаги терминларни қўшиш орқали *Улуғтоғ*, *Жаннатариқ*, *Каллахўр*, *Борсакелмас*, *Чўлигулистон* каби геоконцептлар яратилган. Бундан ташқари этнос+географик термин, географик термин+киши исми, этнос+ гидрологик



Топонимиканинг предметлараро йўналишлари

- | | | |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|
| 1. | | - Геотопонимика |
| 2. | | - Лингвотопонимика |
| 3. | | - Экотопонимика |
| 4. | | - Тарихий топонимика |

1-расм. Географик номларнинг ижтимоий- экологик хусусиятларини ўрганишда фанлараро алоқадорлик

термин шаклида яратилган *Тоҗикқишлоқ*, *Чекишариф*, *Жўйитуркон* каби геоконцептлар минтақанинг табиий-ижтимоий хусусиятларини очиб беради.

Географик номларнинг узок вақт сақланиб “эколого-географик оқибатлар ёдгорлиги”га айланиб қолиши табиий-атроф муҳитга антропоген омил таъсирини баҳолашда кўшимча материал сифатида хизмат қилади. Бу экологик-географик йўналишдаги тадқиқотлар асосини ташкил қилади. Экологик жиҳатидан аҳамияти юқори бўлган топонимларни фанда экологик топонимлар деб аталмоқда. Экологик топонимлар тушунчаси адабиётларда илк бор 1993 йилда Доғистонлик олим Х.Л.Ханмагомедов томонидан ишлатилди (Ханмагомедов,1993). Муаллиф бўйича янги йўналишнинг “асосий вазифаси ўтмишдаги ландшафтлар ва табиий-географик шароитнинг топонимларда акс этишини, этносларни янги ижтимоий-географик ва ландшафт муҳитида жойлашиши ва мослашишига таъсир этувчи экологик факторларни ўрганиш, антропоген таъсир натижасида йўқотилган биоценозлар ҳамда алоҳида ўсимлик ва ҳайвон турлари тарқалган ареалларни тиклаш” (2011, 126-б.). Географик номларни мазкур йўналишда ўрганишни бошлаб берган олим С.Қораев эканлигини таъкидлаш зарур. Олим “мамлакатимиз ҳудудида яшаган Кулон, (Кулонсой, Кулонбоши, Кулонтёпа топонимларидан), Булон (Булон, Булonti топонимларидан), Сиртлон (Дўлта, Дўлтали топонимларидан), Йўлбарс (Палангдара топонимидан) каби ҳайвонлар ҳозирда йўқ бўлиб кетсада, номларнинг сақланганлиги” ҳақида (1970) ёзган эди.

Топонимлар ҳосил қилинишидаги метонимия усулининг экологик жиҳатлари ҳам очиб берилди. Бу усулни моҳияти географик номни бир объектдан бошқа объектга кўчишида намоён бўлади. Кўп ҳолларда номи берилаётган объектлар ҳудудий жиҳатидан бир бирига яқин бўлсада, турли топонимик синфларга мансуб бўлиши мумкин. Гидронимларни муҳофаза қилиш, сунъий сув ҳавзаларини бир маъромда ишлашини таъминлаш, сувларини ифсосланишдан сақлашда мазкур усулни ўрни юқоридир. Топогидронимларни шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, маҳалла номи билан аталган турлари учрайди. Масалан, *Намангансой*, *Чимёнсой*, *Бешкана ариғи* каби. Яна бир ҳолат дарё қайси аҳоли масканидан оқиб ўтса шу маскан номи билан аталишидан мазкур сув объектлари муҳофазасига маъсул у ном билан аталган шаҳар ва қишлоқ аҳолиси эканлигини англаш мумкин.

Диссертациянинг **“Фарғона водийси топонимиясида табиий-экологик омилларнинг ўрни ва аҳамияти”** деб номланган иккинчи бобида дастлаб Фарғона водийси учун хос бўлган ландшафт турлари ва уларнинг ўзгариши ҳақида маълумот берувчи номлар таҳлил қилинди. Улар таркибида *қум*, *дашт*, *бўз*, *шўр*, *чўл*, *ўрмон*, *тош* (*тоғ*) каби географик терминлар кенг тарқалган. “Қум” сўзи иштирокидаги жой номлари водийда 40 маротабадан зиёд, дашт сўзи билан боғлиқ жой номлари водийда 22 маротабада такрорланиб келади. Бироқ, картографик ва дала тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, инсон хўжалик фаолияти таъсирида бу жойларнинг кўпчилигида табиий қумликлар ва дашт ҳудудлар деярли учрамайди.

Жой рельефининг тузилиши, сатҳи билан боғлиқ бўлган топонимлар-оронимларга тоғ, адир, қир ва тепаликларгина эмас, балки рельефнинг салбий шакллари - водийлар, даралар, жарликлар, сойликлар, ўйиқ-чиқиқлар, шунингдек, текислик, паст-текисликлар киради. Вақт ўтиши билан объектнинг рельефи ўзгариши мумкин, бироқ ўша рельефни ифода қилган ном сақланиб қолаверади. Чунончи, “тепа”, “жар” маъносини билдирган номларнинг айримлари ҳозирги вақтда ўша жой рельеф хусусиятини айнан англатмаслиги мумкин.

Рельеф шаклларидан аҳоли масканларига энг кўп қўйиладиган ном тепа сўзи билан боғлиқ. Қадимда аждодларимиз кўпроқ муодофаа мақсадларини кўзлаб ўз яшаш манзилгоҳларини тепалар яқинида ташкил этганлар. Мазкур ҳолат душман хавфини анча узоқдан билиш ёки бошқаларни бу ҳақда огоҳлантириш имконини берган деган тахминий фикр мавжуд. Бизнингча, ушбу аҳоли масканлари ва уларнинг номларини юзага келишига ижтимоий омиллар билан бирга жойнинг табиий хусусиятлари ҳам таъсир кўрсатган. Фарғона чўкмасидан денгизнинг чекиниши учламчи даврнинг охирида юз берди, палеозой эрасида тоғлар, мезазойда адирлар, тўртламчи даврда текисликлар қуруқликка айланди. Водийдаги тоғ ва тоғолди худудларини кўтарилиши натижасида ер ости сувлари унинг марказий қисмига қараб ҳаракатланган, натижада ботқоқликлар ва шўрхоқлар вужудга келган. Асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчи водий аҳолисининг яшашлари учун қулай жойлар тепаликлар ва уларнинг атрофи ҳисобланган, шу ерларда аҳоли масканлари бунёд этилиб, уларга тепа термини қўшилиб номлар берилган. Бундай номлар водийда 60 мартда кўп такрорланади Уларга *Азизтепа, Арабтепа, Арзиктепа, Ашқолтепа, Бўриттепа, Гўртепа, Дардоқтепа, Ёртепа, Жарттепа, Зиндонтепа, Камолтепа, Китконтепа, Мингтепа, Мунчоқтепа, Оқтеп, Симтепа, Сочтепа, Сурхтепа, Тоштепа, Тепақўрғон, Учтепа, Шаҳартепа, Қизилтепа, Қораттепа, Қоровултепа, Қўрғонтепа, Қумтепа, Қўштепа* кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, *дўнг, юқори, баланд* ёки *жар, чуқур, қуйи* сўзлари иштирокида яратилган географик номлар ҳам жойнинг табиий-экологик хусусиятларини акс эттириб, ном бериш жараёнига ушбу омилларни таъсирини кўрсатиб туради.

Кишилиқ жамиятининг тарихий тарақиёти ва ердаги ҳаёт қобиғи ҳисобланган биосферани юзага келишида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан аҳамиятлироқ табиат компонентини топиш қийинроқ. Шунинг учун табиатнинг бу компонентларини номлари жой номларида сақланиб қолган, бироқ тарқалиш ареаллари кескин ўзгаришга учраган. Масалан, Жийда номи 12 маротаба шаҳарча, қишлоқ, маҳалла, ариқ, булоқ, қудуқ каби географик объектларга берилган, *Чилги-жийда, Қоражийда, Жийда, Жийдакана, Жийдамозор, Жийдасой, Жийдабулоқ, Чилон каби* (2-расм). Бироқ, бугунги ўсимликлар дунёси тарқалиш харитасини таҳлилидан кўринадики, *Қўштепа, Уйчи, Фарғона* туманларида унинг ўзи деярли учрамайди, номигина сақланиб қолган. *Фурқат, Бешариқ, Косонсой, Марҳамат, Мингбулоқ ва Поп*

туманларида бу дарахт сақланиб қолган ареаллар кескин камайган. Шундай хулосани ўрик, олма, тут, ёнғоқ, бодом дарахтлари номи билан аталган фитооиконимлар ҳудудий тарқалишидан ҳам чиқариш мумкин. Водийда Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган лола (Фарғона лоласи), қандим (Нозик қандим) номи билан аталган географик объектлар учрайди. Бироқ, бу номлар билан аталган *Лолазор* (Фарғона т., Пахтаобод т.), *Қандим* (Асака т.) кишлоқларида мазкур ўсимликлар деярли учрамайди.

Минтақада тарқалган, ҳозирда йўқ бўлиб ёки камайиб кетган ёввойи ҳайвонлар номи билан аталган *Бўрибоши*, *Норайбўри* (Мархамат т.), *Бўриқум* (Данғара т.), *Бўритена* (Норин т.), *Тулкиобод* (Балиқчи т.), *Палангдара*, *Жўлбарс* (Фарғона в. чегараси), *Тўнғизкўл* (Мингбулоқ т.), *Чўчкабулоқ* (Чуст т.), *Оқкийик* (Қува т.) топонимлар мавжуд. Шунингдек, *Лайлакуя* (оқ ва қора Лайлак), *Бургутқалъа* (сув ва чўл бургути), *Ғозиғиждон* (қизилғоз), *Каптархона* (қора каптар) каби номлар ҳозирда муҳофазага муҳтож ҳайвонот олами вакиллари номидан олинган.

Дарахт ва ҳайвонлар номи билан аталган географик объектларнинг ҳудудий тарқалишини ўрганиш орқали яна икки масалага ечим топиш мумкин: биринчидан, экологик жиҳатидан ўсимликлар ўсиши ва ҳайвонлар яшаши учун мингйиллик синовлардан ўтган, рельефи, иқлими, тупроқ-сувлари мос келувчи ҳудудларни белгилаш имконияти яратилади. Иккинчидан, аҳолининг меҳнат малакалари, маълум экинни етиштиришга, юқори бўлган ҳудудлар аниқланади. Мисол учун *Пиёзчилик* (Тошлоқ т.), *Тариқ* (Сўх т.), *Нўхатак* (Андижон т.), *Қовунчи* (Мархамат т.), *Қовоқ тўти* (Асака т.), *Бугдойчи* (Олтиариқ т.) каби.

Водийдаги сув объектларининг табиий-ижтимоий ҳолатларини таҳлил қилиш учта йўналишда олиб борилди. Дастлаб сув объектларини табиий-экологик ҳолати, маза-таъми, ранги (*Аччиққўл*, *Оқдарё*, *Оқариқ*, *Олтинсой*, *Ширинсув*, *Шўрсув*, *Шўрариқ*, *Қизилариқ*, *Қорасой*, *Қорадарё*), ернинг устки тузилиши (*Тошариқ*, *Қумариқ*, *Даштариқ*, *Шалдирама*, *Шўрариқ*, *Мойлиариқ*, *Ораариқ*,) ҳақида маълумот берувчи географик номлар ўрганилди.

Табиий ва антропоген таъсир натижасида ўзгаришга учраган сув объектлари сон-саноғи, миқдори (*Учариқ*, *Бешариқ*, *Олтиариқ*, *Тўққизариқ*, *Еттибулоқ*, *Қўшариқ*), ҳажмига, шакл тузилишига (*Баландариқ*, *Каттаҳовуз*, *Каттаариқ*, *Узунҳовуз*, *Янгиариқ*, *Сувлиариқ*, *Дамкўл*, *Дамариқ*, *Жўйдам*, *Янгисой*, *Қуруқсой*) кўра ўрганиб чиқилди.

Учинчидан, сув объектига берилган кўп номлар ижтимоий нуқтаи-назардан унинг “эгаси”, экологик нуқтаи-назардан “хўжайини” борлигини билдириб, англашиб туради. Ундан фойдаланиш тартибини, сувни тозаланишини ва адолатли тақсимланишини, йилда бир марта тозалаш ишларини тартибга солишда номнинг аҳамияти катта бўлган. Бу объектлар бирон этнос номи билан (*Жўйитуркон*, *Қипчоқариқ*, *Уйғурсой*, *Қирғизариқ* каби), кишилар номи билан (*Сайдалиариқ*, *Ботирариқ*, *Мавлонбулоқ*, *Аҳмадбулоқ*, *Халилқўл*) боғлиқ.

Сув объектни номлашда топонимик метонимия усулидан кенг фойдаланилган, яъни бир объектни номи бошқа объектга берилган. Сўх суғориш тизимида кирувчи 96 та ариқнинг 71 таси ёки 74 % и аҳоли масканлари номи билан аталган.


Диссертациянинг **“Жой номларида ижтимоий воқеликни акс этишининг амалий жиҳатлари”** деб номланган учинчи бобда туркий тилларда кўпчилик топонимлар маҳаллий географик терминлар иштирокида пайдо бўлиши, бу ҳолат уларнинг яшаш тарзи бевосита атрофни ўраб турган табиат ва жамият билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги билан изоҳланди. Географик терминлар - топонимга кўшилувчи турдош отлар тадқиқот йўналишидан келиб чиқиб улар экотопоним ҳосил қилувчи функциясига кўра тўртта гуруҳга бирлаштирилди.

Биринчи гуруҳга жой ёки объектни улуғлаш, жамиятда унинг ўрни, аҳамияти муҳимлигини таъкидловчи азиз, азим, буюк, бобо, бузрук, ота, падар, момо, чўн, сар, улуғ, нур каби маҳаллий терминлар киритилади. Уларга *Ёрдоназиз, Бобоқир, Тошота, Бузрукхонтўра, Момохон, Чўнгара, Сармазор, Улуғтоғ, Нурзамин, Қадамжой* кабилар мисол бўлади.

Иккинчи гуруҳга жой ёки объектни илоҳийлаштирувчи, муқаддаслигини очиб берувчи авлиё, мазор, масжид, етти, ислом, имом, жаннат, зоҳид, кўк, пайғамбар, оқ (сафед), саҳоба, сўфи, турбат, тўра, хўжа, хизир, шайх, шаҳид, эшон, қаландар каби сўз ва терминлар киритилиб, улар ёрдамида *Бўёгон Авлиё, Сармазор, Ермасжид, Еттибулоқ, Имомота, Исломобод, Жаннатариқ, Зоҳидон, Кўктош, Оқер, Турват, Богдод, Хизиробод, Шаҳидтепа, Қаландархона* каби номлар яратилган. Учинчи гуруҳга жой ёки объектларга кишилар салбий таъсирни камайтирувчи ғайритабиий, афсонавий, кўрқинчли, сирли термин ва сўзлар иштирокидаги номлар киради. Уларга *Жинкўча, Алвастикўприк, Девкар, Жиннитўп, Ёмонжар, Зиндонтепа, Моргузар, Каллахўр, Парихона, Шойтонкўл, Ялонгочота, Хўжаўлди, Қароқчитол, Қизил-ота, Серқақирилди* кабилар мисол бўлади.

Тўртинчи гуруҳга жой ёки объектни кишиларни орзу-ниятларидаги номлар билан аташ орқали экологик онгни шакллантиришга ёрдам берувчи термин ва сўзлардан ясалган номлар киритилади, масалан, *Бахт, Чорбоғ, Бойчек, Бунёдор, Бўстонбоғ, Жаҳонобод, Чўлигулистон, Заркент, Намуна, Адиробод, Ойдинкўл, Сертут, Чаман, Чорбоғтуронги* каби.

Жойнинг ижтимоий хусусиятларини акс эттирувчи географик номлардан антропотопонимлар (кишиларнинг исмлари, лақаблари, тахаллуслари ва фамилияларидан ясалган номлар) ва этнотопонимлар (халқ, қабила, уруғ, қавмлар номидан олинган номлар) жамиятда синфий ва этник қатламларнинг юзага келиши билан пайдо бўлган. Дастлаб маълум ҳудудни, у ердаги табиий ёки атропоген объектларнинг фарқловчи белгиси сифатида унинг эгасининг номи, кимга тегишли эканлиги олинган. Номлар кишиларнинг исми, титули, лақаби, амали, этник мансублиги, исмига географик терминларни (қишлоқ, чек, обод, дашт, ариқ...) кўшиш орқали ҳосил қилинган, масалан *Абдусамат, Авазбой, Муродкўса, Ашурқози,*



2-расм. Мевали дарахт номули билан аталадиган географик объектлар жойлашуви

Қурбонқашқар, Султонқишлоқ, Ниёзматчек, Акбаробод, Ғанидашит, Бегматарик. Деярли шу тартибда этнослар яшайдиган ҳудудларни кўрсатиб берувчи этнотопонимлар ҳам вужудга келган. Бунда 92 та ўзбек уруғи ва унинг бўлимларининг номлари (масалан қўнғирот уруғининг 500 та майда қавмга бўлган), шу ерда яшовчи миллатларнинг номларидан топонимлар пайдо бўлади. Масалан, қипчоқ уруғи ва унинг қавмлари номи билан аталган номларга *Қипчоқариқ, Яшиқ, Тўрайғир, Қизилмуш, Қорабўйин, Товул, Пучугой, Бачқир, Оқбўйра қабила*р киради. Шунингдек, *Қирғизқишлоқ, Қирғизқўрғонча, Тожиққишлоқ, Янги Араб, Эски Араб, Қозоқовул, Авгонбоғ, Қорақалпоқ* кабиномлар этнонимлари шулар жумласидан.

Мазкур географик номларнинг ижтимоий-экологик функцияси кўпроқ геоконцепт ғояси бўйича, икки хил йўналишда ўрганиб чиқилди, биринчидан бу номлар мазкур географик объектларнинг ихчам тарихи бўлиб, уларнинг хўжаликда ўзлаштирилиш жараёнларида қатнашган, бош-қош бўлган кишилар ва этнослар ҳақида маълумот беради, жой образини яратади. Иккинчидан бу номларнинг кўчилиги мулкчилик даврида қўйилган бўлиб, табиий–антропоген объектларнинг эгаси борлигидан далолат беради. Антропотопонимлар кўпроқ хусусий мулк объектлари, этнотопонимлар эса жамоа мулки объектларига берилганлигини кузатиш мумкин. Экологик нуқтаи-назардан бундай “эгаси”, “хўжайини” бор объектларнинг сақланиши, улардан фойдаланишнинг самарали усулларини авлоддан-авлодга бериб борилиши бошқа объектлардан бир неча баробар устун эканлиги кузатилади.

Географик номларни ҳар томонлама ўрганиш, сақлаб қолиш, зарур ҳолатларда қайта номлаш ўта мураккаб, зиддиятли жараён ҳисобланиб, мутахассислардан юқори даражадаги картографик саводхонлик ва минтақа географик номенклатурасини пухта билишни талаб этади. Тадқиқот натижаларидан амалиётда фойдаланишни осонлаштириш, маълумотларни қайта ишлашни такомиллаштириш мақсадида, географик ахборот тизимларнинг (ГАТ) сақлаш ва қайта ишлаш технологияларидан фойдаланган ҳолда Фарғона водийси географик номларининг табиий-ижтимоий хусусиятларини ақс эттирувчи маълумотлар банки яратилди. Минтақавий қидирув-ахборот тизими учун Microsoft Access муҳити танлаб олинди. Топонимик маълумотларни қидириш кўпдаражали бўлиб, уларни маъмурий-худудий бирликлар бўйича, тоифалари бўйича ва асосан ижтимоий-экологик хусусиятлари бўйича гуруҳларга ажратиш йўлга қўйилди. Бу тизимдан таълим жараёнида, географик номлардан фойдаланишни бошқаришда ва илмий тадқиқотлар жараёнида фойдаланиш мумкин.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар ҳамда уларнинг таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқаришга, тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишга имкон берди:

1. Маълум минтақада географик номларнинг шаклланишига таъсир этувчи табиий-экологик (рельеф, тупроқ, сув, ўсимлик-ҳайвонот дунёси) ва ижтимоий (аҳоли таркиби, тили, касб-кори...) хусусиятлар турли хил табиий ва антропоген кучлар таъсирида, макон ва замонда ўзгариши геотопонимик тадқиқотлар кўмагида асосланди. Бу географик номлар ёрдамида минтақанинг ўтмишдаги табиати, ресурслари, аҳолисининг этник таркиби, маданияти ҳақида маълумотлар олиш имконини беради;

2. Геотопонимик тадқиқотларнинг ижтимоий-экологик йўналишидаги изланишлари топоним, географик ном ва геоконцепт кўринишида чуқурлашиб боради. Маълум кишилик жамоаси учун аҳамиятга, кадр-қимматга эга, ўзининг барқарор, ўзгармас қиёфасига (тимсолга) эга бўлган географик номлар геоконцептга айланиб бориш жараёни водийдаги географик номлар мисолида очиб берилди. Бундай халқнинг маданий бойлиги даражасига кўтарилиб, геоконцептга айланган географик номлардан фақатгина манзил (адрес)ни аниқлашда эмас, балки минтақадаги ижтимоий-экологик масалаларни ҳал этишда фойдаланиш муҳим ҳисобланади;

3. Фарғона водийсида экологик жиҳатдан аҳамияти юқори бўлган, минтақанинг ўтмишдаги ландшафтлари, сув ҳавзалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳолисининг табиатдан фойдаланиш маданияти ҳақида маълумот берувчи, фанда экологик топонимлар деб аталувчи географик номлар таснифи ишлаб чиқилди. Бу таснифдан географик номларнинг янги функцияларини, тадқиқот йўналишларини очиб беришда фойдаланиш мумкин;

4. Минтақадаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси номи билан боғлиқ бўлган географик номларнинг ижтимоий-экологик таҳлили а) уларнинг қадимги ва ҳозирги тарқалиш ареалларини аниқлаш, картага тушириш, йўқ бўлиб кетиш сабабларини очиб бериш; б) маълум турдаги ўсимликлар ўсиши ва ҳайвонларни яшаши учун иқлими, тупроқ–экологик шароити энг мақбул ҳудудларни аниқлаш; в) дехқончилик, боғдорчилик, чорвачиликни ихтисослашган турларини, кишиларнинг маълум соҳадаги меҳнат малакалари юқори бўлган ҳудудларни аниқлаш имконини беради.

5. Жойнинг табиий-ландшафт хусусиятларини акс эттирувчи географик номларни ижтимоий-экологик жиҳатидан ўрганиш натижасида маълум ҳудуд учун хос бўлган, лекин кишиларнинг хўжалик фаолияти натижасида ўзгартириб юборилган ландшафти, геоморфологик ҳолати, сув, иқлим ва бошқа ресурсларнинг ўтмиши ҳақида маълумот таҳлилидан минтақада юз бериши мумкин бўлган салбий экологик жараёнлар, фавқулотда ҳолатлар (жарланиш, шўрланиш, ботқоқлашув, чўллашув, сел келиши ва б.) тўғрисида дарак (информация) олиш имконияти яратилади.

6. Географик термин ва тушунчалар ижтимоий (маданий) географик ёндашувда ўрганилиб, уларнинг табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга кўмаклашувчи геоконцептлар яратишдаги ўрни очиб берилди. Бундай геоконцептлар жой ёки объектни улуғлаб, салмоғи, аҳамияти муҳимлигини таъкидловчи (азиз, азим, буюк, бобо, ота,

чўн, сар, улуғ...), илоҳийлаштирувчи (авлиё, мазор, масжид, етти, ислом, имом, жаннат, зохид, кўк, пайғамбар, оқ (сафед)...), кўрқитувчи (ажина(жин), алвасти, арвоҳ, борсакелмас, дев, девгар, девона, жинди, ёмон(жомон), каллахўр, ялонғоч, ўлди, қароқчи, қирилди...) ёки кишиларнинг орзу-истакларини ифодаловчи (бахт, боғ, баҳор, бой, бўстон, намуна, обод, чаман...) гуруҳларга ажратилди. Улардан географик номларни этимологиясини очишда, янги функционал жиҳатларни белгилашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

7. Ижтимоий-иқтисодий асосга эга бўлган географик номлар кишиларда табиий-антропоген объектларга нисбатан эгалик ҳиссини шакллантиради, улардан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланишни ташкил этишга кўмаклашади. Табиий объектларга жамоа мулкани англатувчи номлар маълум ҳудудда яшовчи халқларнинг экологик маданиятидан дарак бериб, аҳолининг экологик тарбиясида катта аҳамият касб этади.

8. Географик номлардан фойдаланиш ва уларни бошқариш ўта мураккаб, зиддиятли жараён ҳисобланиб, мутахассислардан юқори даражадаги ҳуқуқий билим, картографик саводхонлик ва минтақа топонимиясини пухта билишни талаб этади. Бу жараённи осонлаштириш, маълумотларни қайта ишлаш ва қидирув-ахборот тизимини такомиллаштириш мақсадида Microsoft Access муҳитидан фойдаланиб Фарғона водийси географик номларининг маълумотлар банки яратилди. Ундан таълим тизимида, географик номлардан фойдаланиш, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш ҳамда илмий тадқиқотлар жараёнида фойдаланиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07. ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

ОТАКУЛОВ ПОЗИЛЖОН СОБИРОВИЧ

**МЕСТО И ЗНАЧЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНЫХ ПРИРОДНО-
СОЦИАЛЬНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ ФОРМИРОВАНИЯ
ГЕОГРАФИЧЕСКИХ НАЗВАНИЙ
(НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)**

11.00.01-Физическая география

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам**

Самарканд - 2021

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/Gr17.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещён на веб-странице Научного совета (samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyo.net» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Ахмадалиев Юсупжон Исмоилович
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Абдулкосимов Али
доктор географических наук, профессор
Кучкаров Хакимджан Махкамович
кандидат географических наук, доцент

Ведущая организация:

Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07. при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом-15. Тел.: (+99866) 239-16-36, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2018@mail.ru).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован за № ___). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университет хиёбони, дом –15. Тел.: (+99866) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.

(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2021 года)

С.Б.Аббасов,
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Б.А.Мелиев
Учёный секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, PhD по географии

В.А.Рафиков
Заместитель председателя
научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых
степеней, д.г.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире возрастает интерес к социально-экологическим данным, полученным в результате анализа географических названий. Функционирующая группа экспертов в ООН по географическим названиям (UNGEGN), учитывая, что географические названия отражают элементы культуры, наследия и ландшафта утверждает, что их правильное использование полезно для местных, национальных и международных организаций в направлении «экологии, устойчивого развития и охрана природы; по предотвращению и устранению стихийных бедствий»¹. Такое положение дает возможность в разных странах получить информацию о восстановлении первоначальных ландшафтов, на которых образованы названия, ареалы распространения растений и животного мира, о возможных негативных изменениях в природе и отражается в оптимизации их использования.

В мировом масштабе особое внимание уделяется изучению социально-экологическим аспектам географических названий как средству передачи из поколения в поколение данных о культурном наследии, накопленных веками в области рационального использования и охраны природы. А также приоритетное внимание отдается на разработки, направленные на практическое использование природно-социальных особенностей географических названий и терминов, предоставляющих информацию о природных и социальных условиях народов мира, флоре и фауне, природных ресурсах в национальном, этническом составе населения, роде занятий, социальных слоях, производстве.

В республике проводятся ряд реформ и уже достигнуты заметные результаты в научном изучении и использовании географических названий, региональных природно-социальных особенностей, лежащие в основе их формирования, выявление других, кроме адресных, духовно-просветительские, экологические функции. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы ставит важные задачи в плане «предотвращения экологических проблем, наносящих вред окружающей среде, здоровью населения и генофонду».² Особое значение приобретают научные исследования, направленные на анализ географических названий и местные термины поднявшие до уровня культурного наследия и духовного богатства, формирующегося на определенных этапах общественной жизни.

В определенной степени данное диссертационное исследование служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по

¹ United Nations Group of Experts on Geographical Names, UNGEGN (<http://unstats.un.org/unsd/geoinfo/>).

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». <http://lex.uz/pages/getpege....>

дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Закон «О наименованиях географических объектов», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5850 от 21 октября 2019 года «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка», постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 984 от 12 декабря 2019 года «Об утверждении положения о департаменте развития государственного языка», № 40 от 29 января 2020 года «О мерах по организации деятельности комиссии по терминам при Кабинете Министров Республики Узбекистан» и другим нормативно-правовым документам, принятым в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Духовное, нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» направление в пункте Д. «Научное изучение и получение новых знаний для повышения уровня жизни и благосостояния населения, формирование современной инфраструктуры для социально-экономического развития страны», а также VIII. «Науки о Земле».

